

## **Ўзбекистон Республикаси конституцияси - сайлов тизимининг ҳуқуқий асоси**

Ўзбекистон Республикаси демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган экан, бу инсон ҳуқуқларини олий қадрият деб тан олиш ва уларни таъминлашдир. Инсон ҳуқуқларини таъминлаш эса, фуқароларнинг сиёсий бирлашмаси бўлмиш халқ ҳокимиятининг ягона манбаи деб Конституциянинг 7-моддасида тан олиниши ва ўз ҳокимиятини амалга ошириш учун унга зарур бўлган қонун ҳужжатлари орқали шароитлар яратишдир. Буни амалга оширишга қаратилган энг муҳим қоидалар сифатида мамлакатдаги сайловга оид қонун ҳужжатларини келтириш мумкин.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган тизимли ва дадил ислоҳотлар самарасида миллий сайлов қонунчилиги ва амалиёти демократик талаблар ва умумэтироф этилган халқаро стандартларга уйғунлаштирилиб, самарали сайлов қонунчилиги базаси шакллантирилди. 2019 йилнинг 25 июнида Сайлов кодекси амалиётга киритилгач, сайловларнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди. Фуқаролар, сиёсий партияларнинг сайлов жараёнларида эркин ва фаол иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техник шарт-шароит, уларнинг сайлаш ҳуқуқларини тўла амалга оширишининг ишончли кафолатлари яратилди.

Демократик давлатда сайловлар давлат ҳокимиятини ташкил қилишда асосий ўрин эгаллайди. Ҳар бир давлатда турли ҳил фикрлар ва хоҳишлар, эҳтиёж ва талаблар мавжуд; сайловлар эса инсонларнинг шу ижтимоий кайфиятларини ифода этилишини таъминлаб беради. Демократик жамиятда сайловлар инсонлар хоҳишини амалга оширишнинг ягона гаровига айланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXIII боби сайлов тизимига бағишланган. Конституциянинг 117-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Демак, сайлов тизими фуқароларга нафақат ўз овозлари билан сайлаш орқали, балки ўз номзодларини қўйиб, сайланиш орқали ҳам давлат ҳокимияти вакиллик органини ташкил қилишда иштирок этишлари мумкин. Айтиб ўтиш жоизки, бунда сайланиш ҳуқуқи сайлаш ҳуқуқини чеклаб қўймайди.

Сайловларнинг умумийлиги деганда, сайловларда жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган барча фуқароларининг иштирок этиши тушунилади.

Конституцияда фуқароларнинг овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланиши мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси Ўзбекистон

Республикаси фуқароларининг тенг сайлов ҳуқуқларини кафолатлайди. Ягона истисно шундан иборатки, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас. Шу жумладан, суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайловда иштирок этмайди. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Конституциянинг 117-моддасида айтиб ўтилганки, ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овозларнинг тенглиги қондаси шуни англатадики, ҳар бир сайловчи бир марта овоз беради. Сайловлар тенглик билан бир қаторда, умумий ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида овоз бериш йўли билан ўтказилади. Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи деганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатларининг сайловчилар томонидан бевосита, тўғридан-тўғри сайланиши тушунилади. Чет мамлакатлар сайлов тизимида шундай ҳолатлар ҳам борки, сайловчилар ўз вакилларини сайлайдилар, бу вакиллар эса президентни ёки депутатларни сайлайдилар. Бу ҳолда сайловлар бевосита эмас, балки билвосита, тўғридан-тўғри эмас, балки поғона орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси фуқаролари эса овозга қўйилган номзодга тўғридан-тўғри овоз бериш орқали ўз сайлов ҳуқуқларини амалга оширадilar. Бундай сайлаш усули мамлакатимизнинг таркибий тузилишига, қолаверса, унинг бошқариш тизимига ҳам мос келади.

Шу модданинг ўзида айтиб ўтилганидек, сайлов ҳуқуқи фақат яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Бу дегани сайлов жараёнларида ижтимоий сўровларнинг маълумоти тарқатилмайди ва сайловчилардан улар кимга овоз берганликларини сўраш қатъиян ман этилади. Зеро, бундай аралашувлар овоз беришнинг яширинлиги принципи ва сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини билдиришларига зиддир.

Сайлов тизимининг конституциявий асослари қаторига сайлов муддатлари ҳақидаги нормалар ҳам киради. Унга биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишинча уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда - октябрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади. Сайлов кунини маълум бир санага эмас, балки ҳафта кунига бириктириб қўйилиши бир томондан сайлов кунининг муҳимлигини

таъминласа, иккинчи томондан сайлов куни ҳафтанинг иш кунига тўғри келиб қолиши ва фуқароларнинг сайловдаги иштирокини сусайтиришининг олдини олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайланиш ҳуқуқи бўйича муддатларга оид талаблар Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозими, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолигига сайланаётган шахсларга нисбатан ҳам белгиланган. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси, сайланиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати ёки Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолигига сайланаётганларга нисбатан эса сайлов куни йигирма беш ёшга тўлганлик ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшашлик талаб этилади. Бу талаблар ҳам ёш, ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшашнинг энг кам муддатларини белгилаб беради ва бу талабларни бажармаганлар сайловларда ўз номзодлари билан иштирок этишларига йўл қўйилмайди.

Сайловларни ўтказиш сайлов эълон қилинган дақиқадан то овоз бериш натижаларини аниқлашга қадар бир нечта босқичларда амалга оширилади. Бу босқичлар сайлов жараёнларида ҳуқуқий ўзаро муносабатларнинг мураккаб тизимини ташкил этади, яъни унда сайловчилар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари ва сайловларни ўтказиш билан боғлиқ давлат органлари иштирокининг таъминланишини белгилайди.

Хулоса қилиб шуни айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида сайлов ҳуқуқининг Конституция даражасида мустаҳкамлаб қўйилиши бу биринчи навбатда инсонлар хоҳишини амалга оширишнинг кафолатидир, қолаверса, халқнинг эркинлиги - унинг ўз тақдирини ўзи белгилаши имконига эга эканлигининг гаровидир.

**Ўзбекистон Республикаси  
Конституциявий судининг  
эксперти Б.Жамалов**